ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ

## 2020 ЙИЛ
## ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ

Тошкент - 2020

# СЎЗ БОШИ

Тошкент вилоятининг статистик ахборотномаси Тошкент вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Тошкент вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2020 йил январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича Тошкент вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар биринчи марта Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (2 таҳрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 13 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек Ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Сатистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, демографик ҳолат ва бандлик тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

## Қисқартма ва шартли белгилар

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ЯҲМ | - | ялпи ҳудудий маҳсулот | 0,0 | - | катта бўлмаган миқдор |
| % | - | фоиз | м. | - | марта |
| млрд. | - | миллиард | - | - | кўрсаткичнинг йўқлиги |
| млн. | - | миллион | га | - | гектар |
| млн.АҚШ долл. | - | миллион АҚШ доллари | т | - | тонна |
| кв. | - | квадрат | дона | - | дона |
| км | - | километр | йўловчи/км | - | йўловчи-километр |
| м | - | метр | [1], [2], [3]...... | - | изоҳнинг мавжудлиги |
| ф.п | - | фоиз пункт | ф.д. | - | фоиз даража |

**МУНДАРИЖА**


| Номи | бет. |
| --- | --- |
| АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР | 6 |
| ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН СОЛИШТИРМА АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ | 7 |
| I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ | 9 |
| II. САНОАТ | 19 |
| III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ | 35 |
| IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ | 51 |
| V. ХИЗМАТЛАР | 62 |
| VI. ТРАНСПОРТ | 72 |
| VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ | 77 |
| VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ | 81 |
| IX. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК | 90 |
| X. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ | 95 |
| XI. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ | 104 |
| XII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ | 124 |
| XIII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ | 132 |

## Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
## 2020 йил январь-сентябрь

| | *млрд. сўм* | *2019 йил январь-сентябрга нисбатан % ҳисобида* |
|---|---|---|
| Ялпи ҳудудий маҳсулот | 43000,1 | 102,4 |
| Саноат маҳсулоти | 46472,7 | 104,3 |
| Истеъмол товарлари | 9558,8 | 106,4 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат) лари | 18228,5 | 104,1 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 12332,9 | 92,4 |
| Қурилиш ишлари | 4615,6 | 100,9 |
| Юк айланмаси *(млн. тн-км)* | 1194,1 | 103,6 |
| Йўловчи айланмаси *(млн. йўловчи-км)* | 11663,7 | 89,0 |
| Чакана савдо товар айланмаси | 14624,0 | 103,9 |
| Хизматлар, жами | 11930,5 | 103,2 |
| Ташқи савдо айланмаси *(млн. АҚШ долл)* | 3247,1 | 93,7 |
| Экспорт | 1210,6 | 88,4 |
| Импорт | 2036,5 | 97,2 |
| Сальдо *(+;-)* | -825,9 | х |

## Тошкент вилоятининг Ўзбекистон Республикаси билан солиштирма асосий иқтисодий кўрсаткичлари 2020 йил январь-сентябрь

| | *млрд. сўм* | *2019 йил январь-сентябрга нисбатан % ҳисобида* | *Тошкент вилоятининг республикадаги улуши, %да* |
|---|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот (ЯҲМ) | 408296,6 | 100,4 | 10,5 |
| Саноат маҳсулоти | 256747,5 | 97,3 | 18,1 |
| Истеъмол товарлари | 85290,2 | 102,3 | 11,2 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат) лари | 180069,8 | 103,4 | 10,1 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 138106,6 | 91,3 | 8,9 |
| Қурилиш ишлари | 65154,6 | 108,6 | 7,1 |
| Чакана савдо товар айланмаси | 135930,1 | 99,8 | 10,8 |
| Хизматлар, жами | 157085,3 | 101,8 | 7,6 |
| Экспорт | 12471,3 | 94,0 | 9,7 |
| Импорт | 15018,9 | 83,5 | 13,6 |

2020 йил январь-сентябрь якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 10,5 %, саноат маҳсулотларининг 18,1 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат) ларнинг 10,1 %, чакана савдо товар айланмасининг 10,8 %, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 8,9 %, қурилиш ишлари ҳажмининг 7,1 %, хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмининг 7,6 %, экспортнинг 9,7 % ва импортнинг 13,6 % Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келди.

**Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни шакллантиришда Тошкент вилоятининг иштироки**

*2020 йил январь-сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан %да)*

